

## Ёрдам сўралади



02:16 / 28.04.2018 4876

**Сабр ва намоз ила ёрдам сўранг. Ва албатта, у чин дилдан қўрқувчилардан бошқаларга жуда катта ишдир.**

Биз «ёрдам сўранг» деб таржима қилган ибора араб тилида «истаъийну» деб келган. Бу сўз бир ишга уриниб туриб, яна қўшимча ёрдам сўраш маъносини англатади. Демак, муслмон киши ҳар бир ишга астойдил уринади ва шу билан бирга, Аллоҳдан ёрдам сўрайди. Сабр, кўпчилик хаёл қилганидек, салбий маънода, яъни, нима бўлса ҳам сабр қиляпман, деб жим, ҳаракатсиз туриш эмас, балки Аллоҳнинг айтганини бажариш жараёнида дуч келадиган машаққатларни енгишдаги сабрдир. Энг бош сабр ҳавойи нафсни, роҳат-фароғатни, мансабни тарк қилиб, Аллоҳнинг айтганига юришга чидашдир.

Намоз эса бандани Аллоҳга боғлаб турувчи нарса бўлиб, инсон намоз орқали қувват, матонат, чидам ва бардошга эришади. Набий алайҳиссалом қачон бошларига қийин иш тушса, намоз ўқишга шошилар эдилар.

Келаси оятда юқорида мадҳ этилган нафси синиқ кишиларнинг сифатлари келади:

**Бақара Улар Роббларига албатта рўбарў бўлувчи ва албатта Унга қайтиб борувчи эканларига ишонганлардир.**

Ушбу ишонч, яъни бир кун келиб, Яратганга рўбарў бўлишга, охиратда Парвардигорнинг ҳузурига албатта қайтиб борилишига очиқ-ойдин ишониш инсонни сабрга чақиради, тақво қилишга, Аллоҳнинг айтганига юришга чорлайди.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф***

*(Тафсири Ҳилол китобидан)*